



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 октябрь, № 205 (9100)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине Махл билан учрашди.

Мулоқот чоғида БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясининг муваффақиятли ўтказилгани ва Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият ривожини учун муҳим эканлиги алоҳида қайд этилди. Ушбу ташаббуслар асосида келгуси режаларни белгилаш ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув

Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идоралари билан ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Асосий эътибор Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, гендер тенгликни таъминлаш масалаларига қаратилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ монанд олиб борилаётгани таъкидланди. Шу маънода, ҳамкорликни янада

кенгайтириш, барқарор ривожланиш бўйича белгиланган миллий мақсадларга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича парламент эшитувлари жараёنларига БМТ институтларини ҳам жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Бунда, айниқса, мақсад ва вазифаларнинг ҳудудларда ижро этилишига алоҳида эътибор берилди.

Шу билан бирга, ёшларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнларига фаол жалб қилиш учун келгуси

йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этилиши кўзда тутилган дунё мамлакатлари парламентларининг ёш аъзолари XII глобал конференцияси доирасида БРМга эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича III глобал форумни ўтказишга доир истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, минтақа давлатлари раҳбарларининг 7-Маслаҳат учрашуви доирасида шу йил ноябрь ойида Марказий Осиё мамлакатлари аёллари мулоқотининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш режалари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу формат хотин-қизлар ҳуқуқларини илгари суриш ва уларнинг барқарор ривожланишдаги ролини мустаҳкамлаш соҳасида тажриба алмашиш учун самарали майдон сифатида ўзини намойён этди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ МУАЛЛИМ

Ёш авлод тарбияси учун қалб кўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар чин маънода фидойи касб эгалари ҳисобланади. Агар жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва таъсири ортиса мактабнинг обрўси кўтарилари, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадрли юксалади. Жамиятда ўқитувчига эътибор ошса, бу касбни танловчилар сони ҳам ортади, таълим соҳасида ишлашга тайёр юқори малакали ва иқтидорли педагоглар кўпаяди. Ўқитувчи мавқеининг юқорилиги ушбу касбнинг ижтимоий нуфузини оширади.

Муносабат

Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида устоз ва мураббийларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотлар қилинди. Охирги саккиз йилда тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилган бўлса, раҳбар ва педагоглар маоши қарийб 2 баробар оширилди.

Соҳага оид қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги, "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги, "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги, "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонунлар жамиятда ўқитувчининг обрўсини кўтариш, уларни катта марралар сари руҳлантирмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фа-

ровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши учун ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилгани жамиятда устоз-педагоглар обрўсини янада юксалтирди. Бу, ўз навбатида, минг-минглаб устоз-мураббийлар учун катта рағбат, мотивация бўлди.

Ўқитувчилар учун муносиб шароит яратиш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда педагог ходимларни мажбурий меҳнат ва турли жамоатчилик ишларига жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилгани юқори натижа бераётганини бугун ҳаммамиз кўриб, сезиб турибмиз.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида улар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатмоқда. ➡2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

АРНАСОЙНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Арнасой тумани бугун улкан ислохотлар масканига айланди. Фақат пахта ва ғаллачилик билан шуғулланиб келган ҳудуд иқтисодиётида саноатнинг улуши кескин ортди. Туризм жадал ривожланиб, қишлоқ хўжалигига инновацион технологиялар жорий этилмоқда. Инфратузилма яхшиланиб аҳолининг турмуш даражаси тобора юксалапти. Бунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳудудлар ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор муҳим омил бўлмоқда.



— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилдаги "Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони туманимиз иқтисодиётининг юксалишида катта асос бўлди, — дейди вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасининг туман бўйича бош мутахассиси Сирожиiddин Назаров. — Мазкур ҳужжат билан туманимиз 5-тоифага киририлиб, муҳим имтиёзлар берилди. Ҳудудда рўйхатдан ўтган ва фаолият юритадиган тадбиркорлар фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдорда тўлайдиган бўлди. Шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган ва ер солиқлари ҳам 1 фоиз миқдорда белгилаб қўйилди. Бу,

ўз навбатида, маҳаллий тадбиркорларга катта қўллаб-қувватлов бўлиш билан бирга хорижий сармоядорларга ҳам жозибадор кўринмоқда. Айни пайтда туманда 7 та хорижий сармоя асосидаги корхона фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол мисолидир. Давлатимиз томонидан хориж тажрибасини ўрганиш ва инвестиция жалб қилиш учун ривожланган мамлакатларга амалий сафарлар уюштириш имконияти яратилгани ҳам ҳудудимиз ривожини учун яна бир муҳим кадам бўлди. Ўтган йили вилоят делегацияси таркибида амалий ташиф билан икки марта Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташрифлар доирасидаги музокаралар натижасида хитойлик сармоядорлар томонидан 6 та корхона ташкил этилиб, 220,0 млн. долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. ➡2-3

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШДА ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Кейинги йилларда "яшил" ва рақамли иқтисодиётда аёллар иштирокини кучайтириш масаласи энг муҳим вазифалардан бирига айланиб борапти. Айниқса, бугунги иқлим инкирозлари, энергия хавфсизлиги, рақамли трансформация каби глобал ўзгаришлар, аввало, аёллар ҳаётига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан юритиладиган рейтингларда рақамли иқтисодиётда аёллар меҳнатини ифодаловчи кўрсаткич ва индикаторлар номенклатураси рақамли иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб шакллантирилмоқда.

Дўстлик ришталари

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда глобал "яшил" иш ўринларининг атиги 32 фоизи аёллар ҳиссасига тўри келади. Бу рақамни камида 50 фоизга етказиш бутун жаҳон иқтисодиётига янги суръат беради. Рақамли соҳада эса ҳолат янада кескин: дунёда аёлларнинг фақат 28 фоизи IT йўналишида фаолият юритмоқда. "STEM"га алоқадор қизлар улуши эса ҳали ҳам 35 фоздан ошмаган.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда бу борада ижобий қадамлар кўзга ташланмоқда. Масалан, 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Рес-

публикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз Конституцияси, Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларида аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича IV жаҳон конференциясининг "Тенглик, тараққиёт ва тинчлик манфаатларидаги ҳаракатлар" тавсияларига мувофиқ хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар тамойилини амалга ошириш ҳисобга олинган. ➡2

Сенат ва ёшлар ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Тошкент давлат аграр университетида "Омбудсман мактаби" лойиҳаси доирасида навбатдаги очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари, Ички ишлар вазирлиги ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнлари, қонунчилик асослари, Ёшлар парламентининг қонун ижодкорлиги ва парламент назоратида иштирок этиши юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Очиқ мулоқотда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига мутасаддилардан жавоб олди.

«Халқ сўзи».

Трансафғон темир йўли:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕНГИЗГА ЧИҚИШ ВА ТРАНЗИТ МАРКАЗГА АЙЛАНИШ ИМКОНИЯТИ



Таҳлил

Бироқ лойиҳа қанчалик умидли бўлмасин, мавҳуд тўсиқлар унинг амалга оширилишини қийинлаштириши эҳтимоли бор. Афғонистон муваққат ҳукуматининг давлат активлари музлатилган. Бу қурилиш жаражатларини Ўзбекистон ҳамда Покистон зиммасида қолдиради. Афғон ҳукуматининг ҳали тан олинмаганлиги лойиҳа якунланганидан кейин ҳам унга халқаро институт ва компанияларни жалб қилишни қийинлаштириши мумкин.

Хўш, Ўзбекистоннинг бу галги Трансафғон темир йўли лойиҳаси қанчалик ҳақиқатга яқин? Мамлакат қурилиш давомидан нималарга тайёр туриши керак?

Ўзбекистон учун бу йўл нафақат

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг иқтисодий марказига айланиш йўлида стратегик қадамларни ташламоқда. Мамлакатни денгизга олиб чиқувчи Трансафғон темир йўли лойиҳаси бу борада муҳим аҳамиятга эга. Мазкур темир йўл нафақат мамлакатимизга янги экспорт йўлларини очиб беради, балки минтақавий савдо алоқаларини мустаҳкамлаб, мамлакатни Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим транзит марказига айлантириши мумкин.

Ўзбекистон узоқ вақтлардан бери Афғонистон орқали денгизга чиқишни режалаштириб келади. Шу боис Трансафғон темир йўли — юртимизнинг энг бирламчи транспорт лойиҳаларидан.

транспорт лойиҳаси, балки иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамдир. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонни Афғонистон орқали Покистон портлари билан боғлаш ва мамлакатга денгизга чиқиш имкониятини яратиш. Бу галги лойиҳанинг аввалгиларидан фарқи шундаки, минтақавий сиёсий ва иқтисодий вазият ўзгарди. Афғонистондаги ҳокимиятнинг алмашлиши, минтақа давлатларининг ҳамкорликка бўлган қизиқиши ва Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси лойиҳага янги имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон томонидан 2018 йил декабрда илк бор тақлиф қилинган Трансафғон темир йўли лойиҳаси Афғонистон темир йўли тармоғини Мозори-Шарифдан Кобулга, сўнгра Нангархор вилоятига чўзишга қаратилган.

Темир йўл Торхам чегарасини кесиб ўтиб, Пешовар орқали Покистонга боради. Сўнг юклар Покистон темир йўл тизимига уланади. У ердан Карачи, Гвадар ва Қосим денгиз портларига чиқади. Темир йўл йилига 20 млн. тоннагача юк ташиш қувватига эга бўлиши ва ишга тушгач Ўзбекистондан Покистонга транзит йўл вақтини 35 кундан 3 — 5 кунгача қисқартириши кутилмоқда.

Темир йўл линияси 647 км. бўлиши режалаштирилган ва қурилишнинг тахминий қиймати 4,6 млрд. доллар. Лойиҳа Ўзбекистон учун каррасига юқори иқтисодий ютуқларни ваъда қилиши аниқ. Бироқ уни қуриш масаласи савол остида. Сабаби молиявий, техник ва географик тўсиқлар хануз сақланиб қолмоқда. Улардан бири — тақлиф этилаётган темир йўл линиясини молиялаштириш масаласи. ➡3





БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИКДАН ЯНАДА ИШОНЧЛИ ХИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида “Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Сенат кўмитасида

Сенаторлар, масъул ва- зирлик ва идоралар вакил- лари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депу- татлари ва Ёшлар пар- ламенти аъзолари ишти- рок этган йиғилишда мам- лакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаат- ларини ишончли ҳимоя қилишининг институциявий- ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қара- тилган кенг қўламли иш- лар амалга оширилаётга- ни таъкидланди.

Шу билан бирга, бугун- ги кунда болаларни ҳар томонлама муҳофаза этишни янада кучайтириш, уларни жинсий зўравон- ликдан ҳимоя қилиш, жи- ноят процессида гувоҳ си- фатида жалб этишнинг аниқ механизмларини бел- гилаш зарурати юзага кел- моқда.

Ушбу қонун билан Ўзбе- кистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жа- вобгарлик тўғрисидаги ко- дексларида болаларга нисбатан интернет жаҳон ахборот тармоғидан фой-

даланиб уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белги- ланмоқда.

Ўзбекистон Республика- сининг Жиноят-процессу- ал кодексида вояга етма- ган гувоҳни ёки жабрла- нувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умум- мий давомийлиги ҳамда уларни сўроқ қилиш жара- ёнида қонуний вакиллар- нинг иштирок этиши тар- тибини белгилловчи қўшим- ча ва ўзгартиришлар ки- ритилмоқда.

Муҳокама жараёнида сенаторлар ушбу қонун жиноятларнинг олдини олишга, содир этиладиган қонунбузарликлар учун жа- зонинг муқаррарлигини таъминлашга, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш- га хизмат қилишини таъ- кидлади.

Мажлисида кун тартиби- даги масала юзасидан кўмитанинг тегишли қаро- ри қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

УЧҚОРАЛИКЛАР МУАММОСИ ҚАЧОН ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Хатирчи туманидаги Учқора қишлоғи ўзининг майизи билан машҳур. Учқораликлар етиштирган бу нёзмат, ҳатто космонавтлар таомномасидан ўрин олгани ҳам рост. Бироқ бу уларнинг тавиши ва муаммолари йўқ дегани эмас.

Ўрганиш

Бугун маҳаллада 4 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, бу — ўрта ҳисобда минг- та оила, дегани. Уларнинг 100 таси камбағаллик ре- естрига киритилган. Бу эса ўз-ўзидан ҳар ўн оиладан бири, демакдир. Бундан ташқари, йиллар давомида аҳоли саломат- лиги, ноғиронлиқни бел- гилаш ва бандлик билан боғлиқ муаммолар ҳам йиғилиб қолган.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсади- да Ижтимоий ҳимоя мил- лий агентлиги Навоий ви- лояти бошқармаси раҳба- ри бошчилигидаги ишчи гуруҳ маҳаллада бўлиб, фуқаролар билан юзма- юз мулоқот қилди.

— Мақсад камбағал оилаларга давлат томони- дан кўрсатиладиган ижти- мий қўллаб-қувватлаш чоралари кўламини кен- гайтириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг табиғатларини тинглашдан иборат бўлиб, муаммолар аҳоли хонадонларига бо- рилган ҳолда ўрганилди,

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШДА ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

У мамлакатимизда қабул қилинган “Инновацион фаоли- ят тўғрисида”ги Қонун, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концеп- цияси ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўз ак- сини топган асосий йўналиш ва пара- метрлар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат бошқаруви, тадбир- корлик, “яшил” ҳамда рақамли икти- содиётда иштироки учун зарур шарт- шароитлар яратилмоқда. Натижада кўплаб қизларимиз ўз “яшил” стартап- ларини очиб, органик қишлоқ ҳўжали- ги, чиқиндиларни қайта ишлаш ва қайта тикланувчи энергия йўналишла- рида бизнес лойиҳаларини амалга оширяпти. Рақамли иктисодиёт дунё- да эркаклар билан бирга хотин-қиз- ларнинг ҳаётини ҳам яхшилаш учун янги ва мисли кўрилмаган имконият- лар эшигини очмоқда. Бугун рақамли технологиялар ҳаётнинг барча жабҳа- сини, жумладан, иктисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимларни жадал ўзгартир- моқда. Кўпдан бўён бир чеккада қол- ган аёл-қизлар ўзини ўнглаб олиши учун янгидан-янги таянч нуқталари, ус- тунларини вужудга келтирмоқда.

Аёллар фаолиятига дахлдор бун- дай ёндашув нафақат Ўзбекистонда, балки минтақа мамлакатларида ҳам бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. Марказий Осиё мамлакат- ларида ҳам аёлларнинг барча соҳалар- да фаоллигини ошириш, уларни ижти-

моий-иктисодий жараёнларни амалга оширувчи етакчи кучга айлантириш бо- расида кўплаб амалий ишлар қилин- моқда. Хусусан, яқиндагина асосий мақсади аёлларнинг “яшил” ва рақам- ли иктисодиётдаги иштирокини кенгай- тириш, ушбу йўналишдаги мавжуд му- аммо ва тўсиқларни муҳокама қилиш, янги имкониятларни белгилаш, илгор тажрибаларни ўзаро ўртоқлашиш ҳамда қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат бўлган “Яшил ва ра- қамли иктисодиётда аёлларнинг роли” мавзусидаги Марказий Осиё мамлакат- лари етакчи аёллари мулоқоти фору- ми Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятида бўлиб ўтди.

Унда миллий ва минтақавий сиёсат- ларда гендер масалаларини чуқурроқ интеграция қилиш, аёлларнинг ҳолия- вий ва технологик ресурсларга тенг киришини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш каби устувор вазифалар белгиланди. Форум иштирокчилари Ўзбекистоннинг гендер сиёсати, “яшил” ва рақамли иктисодиётни ривожлантиришда хотин- қизларнинг кенг жалб қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга катта қизиқиш билдирди.

Мамлакатимизда аёллар меҳнатини ташкил этиш стратегияси доирасида уларни интеллектуал меҳнатга кенг жалб этиш, аёлларда рақамли кўникмаларни шакллантириш ва масофавий иш билан бандлиқни ривожлантириш каби асосий йўналишларда ижобий натижалар қўлга

киритилаётгани қайд этилди. Эксперт- лар Ўзбекистоннинг гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги ташаббуслари- ни юқори баҳолаб, унинг мазкур йўна- лишдаги амалий саъй-ҳаракатларини бошқа давлатлар учун ҳам яхши намуна бўлаётганига урғу берди.

Форум ишида хотин-қизлар учун “STEM” (фан, технология, муҳандислик ва математика) соҳаларида квоталар- ни кенгайтириш, хотин-қизларни “яшил” иктисодиётга кенг жалб этиш мақсадида олимпиада ва тадқиқотчи аёл- лар ўртасида тажриба алмашиш дас- турларини йўлга қўйиш ҳамда хотин- қизлар бошчилигидаги “яшил” стартап- лар ва рақамли бизнес ташаббуслар- ини қўллаб-қувватлаш учун махсус грант танловларини ўтказишга алоҳи- да эътибор берилди. Шунингдек, қишлоқ аёлларининг рақамли хизмат- лардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда ахборот технологияла- ри бўйича ўқувлар уюштириш масала- си ҳам диққат марказида бўлди.

Анжуманда тилга олинган янги ғоялар, инновацион ёндашувлар аёл- ларда рақамли кўникмаларни шакл- лантиришни фақатгина миллий дара- жада эмас, балки бутун минтақанинг барқарор тараққиётига ҳисса қўшади- ган микёсда ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси.

ЭҲТИРОМГА ЛОЙИК МУАЛЛИМ

Устоз ва мураббий- ларнинг эзгу хиз- матлари туфайли ёшлари- миз ҳар томонлама барка- мол бўлиб вояга етмоқда, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида катта марраларни қўлга ки- ритмоқда.

Хусусан, жорий йил бо- шидан бўён халқроқ фан олимпиадаларида юртимиз ўғил-қизлари 195 та медал- ни қўлга киритгани, хорижий тил эгалари жалб қилинган мингдан зиёд мактабларда тил бўйича сертификат ол- ган ўқувчилар сони бир йил- да 2,5 баробар кўпайгани, албатта, барчамизга чексиз қувонч бахш этгди.

Яқинда Бўстонлик туман- нида бўлиб ўтган тантанали тадбирда таълим-тарбия ти- зимидаги ишлар чуқур таъ- жил қилиниб, уларни янги босқичга кўтариш бўйича аниқ мақсад ва режалар белгилаб берилгани бу бо- радаги эзгу ишлар узвий эканлигини яна бир бор на- моён этди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сес- сиясидаги тарихий нуқтада ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мамлака-

тимизда жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш тақлифини илгари сурди. Ушбу ташаббус муҳим стра- тегик аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакатимиз таълим ти- зимида энг илгор халқроқ ин- новациялар кириб келишини тезлаштиради. Асосийси, ўқитувчиларимизга дунёнинг етакчи мутахассислари билан бевосита мулоқот қилиш ва тажриба алмашиш учун кат- та имконият яратади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва му- раббийларига йўллаган бай- рам табригида ҳам ўқитув- чилар “Учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топ- тирувчилар” дея таърифлан- гани, ушбу касб эгаларига билдирилган юксак ишонч- дир. Бу эса мамлакат тарақ- қиётида интеллектуал сало- тика бўлиб ўтган тантанали тадбирда таълим-тарбия ти- зимидаги ишлар чуқур таъ- жил қилиниб, уларни янги босқичга кўтариш бўйича аниқ мақсад ва режалар белгилаб берилгани бу бо- радаги эзгу ишлар узвий эканлигини яна бир бор на- моён этди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сес- сиясидаги тарихий нуқтада ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мамлака-

нинг нуфузи, жамиятдаги мақоми тўла акс этди.

Ушбу табрикни ўқиб Ўзбекистонда таълим соҳа- сида бошланган ислохот- лар изчил давом эттирили- шини, ўқитувчи ва устозлик касбининг мақоми ва нуфу- зини оширишга ҳал қилув- чи масала сифатида қара- лаётганига яна бир бор амин бўлдик. Зотан, у ҳар бир таълим муассасасида ишлаётган ўқитувчи ва му- раббийларни руҳлантириб юборди.

Президентимиз табриги- да соҳа ходимларининг меҳ- нат ва яшаш шариоитларини яхшилаш ислохотларнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолиши, жумладан, янги йилдан бошлаб камда 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипо- тека кредити бошлангич ба- далининг 25 фоизи қўллаб берилиши айтилди. Келгу- си ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кир- ган педагоглар фарзандла- рининг шартнома суммаси- га 30 фоиз чегирма жорий этилиши мўлжалланаётгани эса икки уч нафар фарзан- дини шартнома асосида ўқитиб, тўловни тўлашда

қийналиб юрган муаллим- ларнинг айна дилидаги гап бўлди. Ва бундай юксак эътибор ҳамда рағбатлар таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларни ўз устида тинмай ишлаши ва юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга даъват этади.

Янги йилдан соҳа ходим- лари учун давлат хизматла- ри тўлови икки қарра камай- тилиши, дунёдаги “ТОП — 300” талик олийгоҳларга ўқишга кирган бўлгуси пе- дадогларга 20 минг доллар- гача имтиёзли таълим кре- дити ажратилиши ўқитувчи ва мураббийлик касбини жа- миятдаги энг муҳим ва об- рўли касбга айлантиришга хизмат қилади.

Байрам табригида юрти- мизда тамал тоши қўйи- лаётган — учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топ- тириш ҳам ўқитувчи ва му- раббийларга боғлиқлигининг алоҳида таъкидланиши, бу касб эгаларининг жамият ҳаётидаги маъсуллати ва фидокорона фаолиятининг юксак эътирофидир.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.



Хорижий сармоя ва ривожланаётган саноат

Дарҳақиқат, туман иктисодиё- ти ривожига хорижий инвести- циянинг жалб этилиши салмоқли ўрин тутмоқда. Жорий йилда хо- рижий инвестицияларни ўз- лаштириш бўйича 135,0 млн. АҚШ долларини миқдориде режа белгиланган бўлиб, ўтган 8 ой давомиде 90,4 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвести- циялар ўзлаштирилиб, прогноз кўрсаткич 100,1 фоизга бажарил- ди. Эътиборлиси, бу ўтган йил- нинг мос давридагига нисбатан 4 баробар кўп.

— Манзарали гуллар ва саб- завод экинлари етиштириш учун “Henan Aquatic Flowers” МЧЖ 23,0 млн. доллар, ташқи таъсирдан ҳимоя қилувчи қол маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси учун “Spark Brilliant Jizzakh” МЧЖ 15,2 млн. доллар сармоя ўз- лаштирди, — дейди С. Назаров

сўзини давом эттириб. — “Spark Brilliant Jizzakh” МЧЖ хорижий кор- хонасининг ишлаб чиқариш қув- вати йилгига 60 млрд. сўмлик 30 млн. дона қол ишлаб чиқариш- га мўлжалланган бўлиб, мазкур корхонада бугунги кунда 45 на- фар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланган. Келгусида корхона томонидан 5,0 млн. АҚШ долларини қийматидаги янги ишлаб чиқариш цехи барпо этилиши ре- жалаштирилган бўлиб, қўшимча равишда йилгига 25,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Умуман, жорий йилнинг январь — июнь ойларида салкам 11,5 млн. АҚШ долларини миқдоридеги маҳсулотлар экспорт қилиниб, белгиланган режа 174,4 фоизга бажарилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 213,6 фоиз ўсишга эришилди. Мисол учун, “Asl Ipak Gold Tex” МЧЖ томони- дан 2,5 млн. долларлик саноат маҳсулотлари, “BMW HIGH-TECH” МЧЖ томонидан 8,5 млн. дол-

ларлик мева-сабзавот маҳсулот- лари экспорт қилинди.

Пахтачиликда Хитой тажрибаси

Аёнки, халқнинг фаровонлиги- ни ошириш юзасидан олиб бори- лаётган изчил ислохотларда дала меҳнатқашларининг ўрни бекиёс. Ердан фойдаланишда бозорга хос бўлган ёндашувларни арнасойлик ер эгаларининг иш тажрибасида ҳам аққол кўриш мумкин.

Ха, бугун аграр соҳада эски- лик ўрнини янгилик эгалламоқ- да. Изланиш ва астойдил инти- лиш орқали давр билан ҳамна- фас иш юритиб, ердан оқилона фойдаланиб келаётган арнасой- ликларнинг режалари улкан.



ПАРЛАМЕНТ САБОФИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси аъзоларининг олий ва касбий таълим ташкилотлари талаба-ёшлари ўртасида ташкил этилган “Китобхон ёшлар лигаси” танлови голиблари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Унда йигит-қизларга мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳамда Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ва Ёшлар парламенти иш фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқотда талаба-ёшлар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, биринчи ва иккинчи ўқишга тайёрлаш, ялли мажлис муҳокамалярига киритиш билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларга эга бўлди. Учрашувда ёшларни қизиқтирган барча саволларга депутатлар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди. Шу кўни талабалар Қонунчилик палатасининг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Олий Мажлис тарихи акс этган музей, парламент кутубхонаси ҳамда қонунлар қабул қилинадиган катта мажлислар зали билан яқиндан танишди. Учрашувдан сўнг ёшларнинг таассуротлари билан қизикдик.

Моҳигул АРАМОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:

— Депутатлар билан му- лоқот чоғида қонун ижод- корлиги, сиёсий партиялар фракциялари ва кўмита иш услублари ҳамда парла- ментаризм соҳасидаги ян- гиликлар ҳақида кўплаб маълумотлар олдик.

Таълим соҳаси йўнали- шида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тушунча-

ларга эга бўлдик. Бу биз, бўлажак соҳа вакиллари учун жуда фойдали бўлди.

Ўйлайманки, бундай форматдаги учрашувлар ёшларни мамлакат ижти- моий-сиёсий ҳаётида яна- да фаол иштирок этишини таъминлаш, парламент ҳақидаги билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Асрорбек АЛИЖОНОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси:

— Халқ вакиллари би- лан мулоқот ҳар томонла- ма самарали ва фойдали кечди. Учрашув давомида қабул қилинаётган қонун- лар мазмуни, муҳокамалар жараёни, тортишувлар, баҳс-мунозаралар ҳақида маълумотлар олдик. Шу- нингдек, палатанинг иш фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик.

«Халқ сўзи».

АРНАСОЙНИНГ

нинг мўллигини кўриб, кўзингиз қувнайди. Бу жойларнинг ташлан- диқ ер бўлганини ишонмайсиз.

Ҳамкорларимиз маҳаллий деҳқонлар учун яна бир янгилик- ни кўрсатишди — ғалладан бўшаган ер майдонларига пахта экилди. Бу ерларга ҳам томчи- латиб суғориш тизими ўрнатил- ди. Қарангки, бироз кеч бўлса- да, гўзалар баравж ривож олиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплади. Насиб қилса, келаси йилдан Хи- той технологияси асосида пахта етиштиришнинг кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Чўл бағрида чаманзор

Туризм йўналишида ҳам улкан салоҳиятга эга туманда соҳада им- кониятлар янада кенгаймоқда. Ай- дар-Арнасой қўллар тизими бўйи- даги ландшафтлар, атрофининг та- биий гўзаллиги ва тоза ҳавоси ҳамда экотуризмга мос масканла- ри сайёҳларни доимо жалб этиб келган бўлса, янгидан бунёд эти- лаётган Айдар-Арнасой туризм маскани худудни янада жозибадор нуқтага айлантирмоқда.

Айни пайтда қурилиш жадал давом этаётган ушбу мажмуа ту- маннинг туризм инфратузилма- сини тубдан янгилашга хизмат қилади. Мажмуа нафақат маҳал- лий, балки хорижий сайёҳларни ҳам кенг жалб этиш имконияти-

Трансафгон темир йўли:



Шунингдек, Афғонистоннинг мураккаб экологик рельефини ҳисобга олган ҳолда, тахмин қилинган харажатлар сезиларли даражада ошиши мумкин. Ташкилотчилар халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЕТБ ва бошқалар) маблағларини жалб этишни режалаштирган. Бироқ ҳозирча бу борада аниқ натижалар маълум эмас. Покистон темир йўл қурилиши учун маблағ тўплашини ва Афғонистон ҳудудига қурилуви чин линиянинг маълум қисмини молиялаштиришини билдирган.

Хавфсизлик таъминланиши — асосий масала

Кузатувчиларнинг фикрича, қурилиш бошланишидан аввал қилиниши керак бўлган илк масала, бу “Толибон” томонидан хавфсизлиkning таъминланишидир. Сиёсий таҳлилчилар ИШИД томонидан айтилган баёнотлар ва Афғонистон муваққат ҳукумати билан ҳамкорлик қилувчи мамлакатларни нишонча олувчи таҳдидлар темир йўл қурилишини янада кечиктирляпти, деган фикрда.

Айни пайтда Афғонистондаги хавфсизлик билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашуви молия институтлари билан кредит линиясини таъминлашни янада қийинлаштиради. “Толибон” Афғонистонда қонунийликни қўлга киритиш учун курашиб келмоқда. Афғонистон муваққат ҳукуматининг аёлларга нисбатан сиёсати ҳам халқаро молиялаштириш механизмларидан фойдаланишни қийинлаштираётган сабаблардан бири сифатида қўрилади. Кўп томонлама молия институтлари ва донор давлатлар ўз ёрдамини маълум бир бошқарув тамойиллари билан шартлайди. Бу эса молиялаштириш ва Ғарб инвесторларини жалб қилишдаги асосий муаммолардан бирига айланган.

Темир йўл линиясининг бир қисми Ҳиндукуш тоғли ҳудудидаги Саланг довои орқали 3500 метр баландликдан ўтиши режалаштирилган. Бу уни дунёдаги энг баланд темир йўл линияларидан бирига айлантиради. Кузатувчиларнинг фикрича, Саланг довои киш мавсумида қучли қор ёғишига мойил бўлиб, бу темир йўлни узоқ вақт давомида ишламай

қолишга олиб келиши мумкин. Айни сабабдан, темир йўл линияси учун тоғ остида туннель қуришга ҳам тўғри келади. Бу каби географик ва об-ҳаво шароити билан боғлиқ муаммолар инфратузилмага чекловлар қўйиши ва етказиб бериш вақтини ошириши мумкин. Худуддаги рельеф жуда катта муҳандислик муаммосини келтириб чиқариши ҳам тахмин қилинади. Баландлиги 3 минг метрга етадиган тоғлар, 1200 та иншоот қурилиши, жумладан, 360 та кўприк ва узунлиги жами 70 км. бўлган туннеллар барпо этилиши мураккаб амалиётлардан.

Ўзбекистон томонидан 2018 йил декабрда илк бор тақлиф қилинган Трансафгон темир йўли лойиҳаси Афғонистон темир йўл тармоғини Мозори-Шарифдан Кобулга, сўнгра Нангарҳор вилоятига қўйишга қаратилган. Темир йўл Торхам чегарасини кесиб ўтиб, Пешовар орқали Покистонга боради. Сўнг юклар Покистон темир йўл тизимица уланади. У ердан Карачи, Гвадар ва Қосим денгиз портларица чиқади. Темир йўл йилга 20 млн. тоннагача юк ташиш қувватица эга бўлиши ва ишга тушсач, Ўзбекистондан Покистонга транзит йўл вақтини 35 кундан 3 — 5 кунгача қисқартириши кутилмоқда.

Умумий манфаатларга мос ташаббус

Трансафгон темир йўли минтақадаги бошқа транспорт йўллари билан рақобатлашиши мумкин. Ўзбекистон рақобатбардош нархлар ва сифатли хизматларни тақлиф қилиши керак. Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати билан барқарор муносабатларни сақлаб қолиши ва лойиҳанинг сиёсий жиҳатларини эътибор билан кузатиб бориши лозим. Бу ишнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун лойиҳада иштирок этувчи барча давлатлар



Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

интилаётган бир пайтда Москва Трансафгон инфратузилма лойиҳасида қатнашиш орқали Афғонистон атрофидаги асосий ташки куч сифатидаги маквейни мустаҳкамлаши мумкинлиги айтилади. Шунингдек, узоқ Шимолдан узоқ Жанубга қадар қўзилиши мумкин бўлган лойиҳа Марказий Осиё давлатлари учун Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусини тўлдириши мумкин. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари ХХРда бўлиб ўтган ШХТ саммитида “Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишлари бўйича транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мамлакатларимизнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

Марказий Осиё орқали Форс кўрфазини ва Ҳинд океани портларига чиқадиған жанубий йўналишдаги йўлақларни ривожлантириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Биз “ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятларни кўрмоқдамиз. Бу янги мултимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлақлар яратилиши назарда тутати. Бу борада тегишли кўп томонлама концепцияни ишлаб чиқишни тақлиф этамиз”, дея алоҳида таъкидлади. Иқти-

Умуман олганда, лойиҳани амалга ошириш юк ташиш вақти ва нархини 30 — 40 фоизга қисқартиради. Илк йилларда биринчи ҳисобланган ташувлар ҳажми 3 млн. тоннагача, 2030 йилга бориб эса йилга 20 млн. тоннадан ошиб кетиши мумкин. Ўзбекистон Афғонистон орқали транзитнинг бир қисмини “Шимол — Жануб” коридори бўйлаб йўналтирмоқчи. Бу ҳақда Президент томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди назарда тутилган.

Ҳужжатда қайд этилишича, транспорт соҳасида йирик инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши мамлакат ҳудудларининг ўзаро боғланганлигини таъминлаш ҳамда транспорт йўлақларини диверсификация қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.



Ҳаётимизга фэйз киритган учрашув

— Бу йил туманимиз ташкил топганига эллик йил тўлган бўлса, шунча вақтдан бўён шу ерда истикомат қиламан, — дейди “Нуроний” жамғармаси Арнасой тумани бўлими раиси Исоқ Авалбоев. — Турли корхона ва ташкилотларда ҳар хил лавозимларда ишладим. Бир пайтлардаги Арнасой билан ҳозиргисини солиштириб бўлмайди. Туманимизда яшаш шароити бўлманидан қўйиб кетганлар ҳам кўп бўлди. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 30 фоизга ҳам етмасди. Ҳозир 95 фоизга кўтарилди. Олис ҳудудлардаги аҳолимиз ҳам обихаёт билан таъминланди. Аслида, ҳаммаси Президентимизнинг 2016 йил 16 ноябрда туманимизда

Бугунги Арнасой вилоятнинг энг қолоқ туманларидан бири эмас. Қишлоқ ҳўжалигига инновациялар кириб келаётган, саноати ривожланаётган, туризм имконияти ва салоҳияти кескин ўсиб бораётган, иқтисодийёти тобора мустаҳкамланаётган, муҳими, аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланаётган, одамлари “Мен Арнасойда яшайман”, дея фахр билан баралла айта оладиган ҳудудга айланмоқда.

Улугбек ОДИЛОВ
(«Халқ сўзи»).



«МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК»

6-7 октябрь кунлари Озарбайжоннинг Габала шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 12-саммити бўлиб ўтади.

Анжуманда “Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзуси муҳокама марказида бўлади. “Бу минтақавий ва халқаро муаммоларни кўриб чиқиш ва ечим излаш, ҳамкорликини мустаҳкамлаш, туркий дунёда тинчлик ва фаровонликини ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳўжатларни қабул қилиш учун катта майдон бўлади”, дейилади тарқатилган хабарда.

Эслатиб ўтамиз, ТДТнинг 11-саммити 2024 йилнинг 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида “Турк дунёсини мустаҳкамлаш: иқтисодий интеграция, барқарор ривожланиш, рақамли келажақ ва барча учун хавфсизлик” мавзусида бўлиб ўтган эди.

ИНТЕРНЕТ ЯНА ТИКЛАНДИ

Афғонистонда “Толибон” муваққат ҳукумати томонидан “ахлоқни сақлаш” сиёсати доирасида 29 сентябрь куни интернет учириб қўйилганди. “Tolo News”даги хабарга кўра, 1 октябрдан бошлаб интернет алоқаси қайта тикланди.

Мамлакат аҳолиси деярли 48 соат давомида ташки дунёдан узилиб қолди. Бу, ўз навбатида, кўплаб соҳалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Узилишлар вақтида корхоналар ва авиация катнови издан чиқди, савдо марказлари деярли бўшаб қолди, фавқулодда хизматларга мурожаат қилиш қийинлашди. Банклар ёпилиди, валюта бозориди халқаро пул ўтказмалари тўхтади, бу эса чет элда ишлаётган оила аъзолари юборадиган муҳим маблағларнинг келмаслигига сабаб бўлди. Туристик агентликлар қисман ишлади, мамлакатга ва ундан ташқарига рейслар бекор қилинди.

Аҳоли интернет қайтганини кўчаларга чиқиб нишонлади.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА МОЙИЛ ДАВЛАТЛАР РЎЙХАТИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

“Centralasia” нашридаги хабарга кўра, АҚШ Давлат департаменти Туркменистонни “одам савдоси”нинг ҳар қандай турларини, хусусан, мажбурий меҳнати рағбатлантирувчи давлатлар рўйхатидан чиқарди.

Давлат департаменти қишлоқ ёки ўрмон ҳўжалигида мажбурий меҳнат, лагерларда жинсий қуллик ёки болаларни аскарликка ёллаш сиёсати ёхуд модели қўланиладиган давлатлар рўйхатини алоҳида шакллантиради. 2024 йилги ҳисоботда Туркменистон шу тоифага киритилган эди. Энди эса у алоҳида кузатув ўрнатилиши керак бўлган мамлакатлар рўйхатига ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, тегишли реестрда Марказий Осиёнинг яна бир мамлакати — Қирғизистон ҳам киритилган.

ГЭС ҚУРИЛИШИ ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИ

“Asia-Plus” нашрида хабар беришларича, Тожикистондаги Роғун ГЭС қурилиши “Роғун ГЭСи лойиҳасининг янгиланган экологик ва ижтимоий таъсирини баҳолаш”га кўра, атроф-муҳит учун “соф йўқотишлар бўлмаслиги” шартли билан амалга оширилади.

Ҳужжатда 185 гектар арча ўрмони ва 77 гектар сел ўрмонининг йўқолиши бошқа ҳудудларни тиклаш ва муҳофаза қилиш чора-тадбирлари орқали қопланиши лозимлиги айтилади. Қайд этилишича, ҳозирда биринчи босқич — давлат идоралари, банклар, атроф-муҳитни муҳофаза этувчи ташкилотлар билан келишилган чора-тадбирлар муҳокама қилинмоқда.

Қайта тиклаш учун аниқ ҳудудларни 2025 — 2030 йиллар оралигида танлаш режалаштирилган ва амалий ишлар 2031 йилда бошланади.

«ГРОКИПЕДИЯ» «ВИКИПЕДИЯ»ГА ҚАРШИ

Илон Маск ўзининг “xAI” сўнъий интеллект компанияси “Грокипедия” лойиҳаси устида ишлаётганини маълум қилди. Бу янги билим платформаси бўлиб, уни “Википедия”га нисбатан “сезиларли яхшиланш” деб атади. Унинг сўзларига кўра, “Грокипедия” “xAI” компаниясининг янада улкан вазифаси — “коиноти идрок қилиш”нинг бир қисмига айланиши керак.

Илон Маскнинг фикрича, янги платформа манбаларга кенгрок кириш ва эркин ахборот алмашинувини таъминлайди. Мақоаларни жамоавий таҳрирлаш ва фойдаланувчилар томонидан текшириш тамойили асосида ишлайдиган “Википедия” “сиёсий тарафқаш”. Таъкидланишича, энциклопедия объектив эмас ва “сўл сиёсий йўналишга эга”.

«БУАЛОИ» ТЎФОНИ БАЛО КЕЛТИРДИ

“The Straits Times” нашридаги хабарга кўра, Вьетнамда тўфон келтириб чиқарган тошқинлар оқибатида 36 нафар одам ҳалок бўлди. Табиий офат 29 сентябрь куни мамлакат шимолидаги марказий соҳилларга ёпирилди.

Расмий маълумотларга кўра, “Буалои” тўфони ва унинг оқибатида юзага келган сув тошқинлари 11,5 трлн. донг (тахминан 435,8 млн. АҚШ доллари) микдориди моддий зарар етказган. Табиий офат сабаб кўплаб йўл, мактаб ва давлат идоралари жиддий шикастланган.

Электр тармоқлари ишдан чиқди, 210 мингдан ортиқ уйларга зарар етди. 51 минг гектардан ортиқ экин майдонлари сув остида қолди. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари бутунлай нобуд бўлди.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ОЙДИН ЙЎЛИ

ни яратади. Сайёҳлар учун транспорт, тураржой ва кўнгилочар масканларни ривожлантириш орқали туризминг ҳудуд иқтисодиётининг муҳим тармоғига айлантириш мақсад қилинган.

Туман учун тарихий воқеа сифатида айтиш мумкинки, қурилиш давом этаётган кўл бағридаги аэродромга синов тариқасида илк бор самолёт муваффақиятли қўнди. Эндиликда туман сайёҳлар ва инвесторлар учун чин маънода очик ҳудудга айланади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт ва туризм ривожига катта ҳисса бўлади.

— Лойиҳани ишлаб чиқишда кўплаб хорик давлатлари, жум-

ладан, Европа тажрибаси ҳам ўрганилган, — дейди вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бештирмасининг Арнасой тумани бўйича лойиҳалар менежери Ойбек Ҳакимов. — 5 гектар майдонда чўмилиш ва куёшда тобланиш зоналари ташкил этилган. Соябонлар, сўрилар ва айвончалар, дам олиш жойлари, йўлақлар, кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Дам олувчилар транспорт воситалари билан сайёҳ қилиши, пляж, волейбол ва футбол ўйинлари учун майдонлардан фойдаланиши мумкин. Соҳилларида шифобахш балчиқ билан даволаниш ҳам йўлга қўйилади. Табиатга уйғун равиш-

да экомехмонхоналар, пиеда ва велосипед йўлақлари, ахборот маркази барпо этилмоқда. 210 ўринга мўлжалланган, йил давомида хизмат қиладиган санаторий қурилиши яқунланмоқда. Бундан ташқари, 110 ўринли ҳар бир хонаси икки, тўрт кишилиқ капсули мехмонхоналар, шунингдек, саккиз кишига мўлжалланган янада арзон хоналар ҳам бўлади.

Қурилиш ишларига 60 дан зиёд автомашиналар, махсус техника ва қарийб 200 га яқин ишчилар жалб этилган. Уларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллари. Йўл инфратузилмасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, автомобиль йўллари таъмирланмоқда. Дам олиш мажмуаси жорий йилнинг ноябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ушбу манзилнинг ишга туширилиши нафақат туризм ривожини туман иқтисодиётининг барқарорлашуви, балки маҳаллий аҳоли турмуш даражасининг яхшиланшига ҳам хизмат қилади. Бу йўлбўйи савдоси, уй меҳмонхоналари, овқатланиш ва бошқа хизмат турларида ўзини намоён этади. Яқингача энг чекка ва шароитлари ҳаминқадар бўлган Бахтли маҳалласи аҳолисини чин маънода бахтли яшаши учун муҳим асос яратилмоқда.



ҚАДИМИЙ ҚЎҚОНДА АНЪАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

Ўзбек халқи кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлган хунармандчилик санъати, хусусан, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, кулоллик, тўқимачилик, зардўзлик, созгарлик, кандакорлик, заргарлик неча-неча минг йиллик тарихга, ўзига хос ижодий мактаб ва анъаналарига ҳамда атоқли намояндаларига эга. Ўзбекистонлик усталар томонидан тайёрланган қўллаб бадий хунармандлик ва амалий санъат маҳсулотлари бугунги кунгача дунёнинг машҳур музейларида сақланиши уларнинг жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради.



Нуктаи назар

мизнинг тегишли Фармонига мувофиқ, ҳар 2 йилда бир марта сентябрь ойда Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказилаётгани, энг аввало, маданий меросни асраш ҳамда тарғиб қилиш, сайёҳликни ривожлантириш, кулолчилик санъатининг ноёб намуналарини намойиш этиш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишдек муҳим вазифани бажариб келяпти.

Дарҳақиқат, Қўқон азалдан хунармандлар шаҳри сифатида доврўқ таратган. Бу ерда кулолчилик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, ипакчилик каби халқ амалий санъатининг



нодир намуналари асрлар давомида сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Шаҳарнинг ҳар бир ғўшасида хунармандларнинг устаконалари, дўконлари жойлашган бўлиб, у ерда яратилган бетақдор буюмлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

...Дунёда латиф шаҳар мақо-

мига эга ягона кент — Қўқон бугунги кунда ҳар қачонгидан-да мафтункор. Бу ерга келган киши худди эртақлар оламига тушиб қолгандек бўлади. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган қўқна шаҳар қадимий тарих ва замонавий тараққиётнинг мезон ва анъаналарини ўзаро уйғунлаштириб, бир пайтнинг ўзида ҳам шарқона латофати, ҳам бугунги дунё тамаддунига ҳамоханг ҳашамати билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига қаратмоқда.

Яқинда Қўқон шаҳри яна бир бор халқаро миқёсдаги муҳим тадбирга мезбонлик қилди. Бўлиб ўтган Халқаро хунармандчилик фестивали нафақат анъ-



аналарни сақлаб қолиш, балки соҳага инновацияларни олиб кириш, халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдек муҳим мақсадларни қўзлаган ҳолда

ташқил этилди. У турли мамлакатлардан келган кулоллар, санъатшунослар ва соҳа мутахассислари учун ўзаро тажриба алмашиш, янги билимлар олиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш майдони бўлиб хизмат қилди.

Халқ амалий санъатини, унинг ривожланиш тарихи, мактаб ва

анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган ушбу анжуманда дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатларидан 300 нафарга яқин моҳир хунармандлар, халқаро ташкилотлар, маданий ва илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этгани унинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат. Форум қатнашчилари, моҳир хунармандлар, экспертлар эл-юртимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган бой маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларининг ажралмас қисми бўлган, ўтмиш ва келажак ўртасида бамисоли маънавий кўприк вазифасини бажариб келаётган хунармандчи-

лик соҳаси ривожига юртимизда жиддий эътибор берилаётганини эътироф этди. Мазкур йўналиш иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бораётир. Хунармандлар, дизайнер ва ёш ижодкорлар учун катта имкониятлар яратилмоқда, уларнинг маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва миллий бренд сифатида танитиш йўлида кенг қўллаш ишлар амалга ошириляпти.

Айниқса, ушбу соҳа кенг қулоч ёзган шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташқил этилгани, йиллик маҳсулот ишлаб

чиқариш ҳажми 1 трлн. 500 млрд. сўмдан ошгани ҳамда уларни дунёнинг турли давлатларига экспорт қилиш кенгайиб бораётганини таъкидлаш лозим. Амалий санъат турларини қайта тиклашга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида улар сони 43 тага етди, сўнгги уч йилда турли йўналишларда ишлаётган 31,5 минг нафар моҳир уста “Хунарманд” уюшмаси аъзоллигига илк маротаба қабул қилинди. Биргина “Устоз — шогирд” анъанаси асосида 118 минг нафар ёш, жумладан, кам таъминланган, вақтинча ишсиз, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлигига эришилган соҳа ривожига ижтимоий масалаларга ечим топишда ҳам муҳим аҳамият касб этиб бораётганини кўрсатади.

Риштонда ўтказилган Халқаро кулолчилик форуми эса, ўз навбатида, ҳудуднинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини янада оширади. Ушбу форум доирасидаги халқаро конференциялар, кўргазмалар, ярмаркалар, миллий либослар намойишлари ижодий мулоқот майдони, ёш хунармандлар учун маҳорат дарслари ва тажриба алмашиш платформаси бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, миллий хунармандчилигимизнинг халқаро эътирофи сифатида Қўқон шаҳрига ТУРКСОЙ Бош қотиб-яти томонидан “Туркий дунёнинг хунармандлари шаҳри” деган шарафли ном берилган. Бу нафақат шаҳар, балки бутун Ўзбекистон халқи учун катта фахр ва ифтихор бағишлайди.

Умуман, мазкур халқаро фестивал ва форум жаҳон хунармандчилиги ҳамда кулолчилик санъати учун муҳим воқеа бўлди. Зеро, анжуман қўламини унинг жаҳон халқлари маданиятини бoғловчи муҳим кўприк бўлишидан далолатдир.

Гофуржон ЗОХИДОВ,
Қўқон университети директори.



ЎЗБЕКИСТОН — НУФУЗЛИ МУСОБАҚА МЕЗБОНИ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) кенгашининг навбатдаги ййгилишида 2027 йилги 20 ёшгача футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати мезбонлари аниқланди. Унга кўра, мусобақа Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтади.

Айтиш жоизки, мазкур турнир футбол бўйича миллий терма жамоалар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан кейинги нуфузли мусобақа ҳисобланади. Ўзбекистон сўнгги йилларда бир қатор йирик халқаро спорт тадбирларига мезбонлик қилиб, катта тажриба тўплади. Жумладан, 2024 йилда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати юқори даражада уюштирилгани халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди.

Энди 2027 йилда энг иқтидорли ёш футболчилар Тошкент ва Боку стадионларида тўпланиб, ўз маҳоратини намойиш қилади.



ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИДАГИ РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

АҚШ, Мексика ва Канада яшил майдонларида ташқил этиладиган 23-жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ФИФА ўртоқлик кўнлари доирасида икки учрашувда майдонга тушади.



Дастлабки рақиб Кувейт терма жамоаси бўлиб, учрашув 9 октябрь кунги Тошкентдаги янги қурилган “Олимпия” стадионида ўтказилади. Ушбу баҳсдан тўрт кун ўтиб, вакилларимиз 13 октябрда Малайзияда жаҳоннинг кучли терма жамоаларидан бири Уругвай билан куч синашади.

Айни пайтда Кувейт терма жамоаси дунё рейтингинда 135-ўрин, Уругвай эса 15-поғонада қайд этилган.

«ОЛТИН ТЎП» СОҲИБИ МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАНИ БОШҚАРИШИ МУМКИН

Италиялик икки машҳур футбол журналисти — Николо Скира ва Фабрицио Романонинг хабар беришича, 2006 йилги “Олтин тўп” соҳиби Фабио Каннаваро Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарияти билан музокара олиб бормоқда.



Гап шундаки, собиқ футболчи Ўзбекистон миллий терма жамоасини бош мураббий сифатида арафадаги мундиалга тайёрлаши мумкин. Унинг штабига юртдошлари Чиччо Троице ёрдамчи мураббий ва Эугенио Альбарелла спорт мураббийи сифатида фаолият юритади.

Ф. Каннаваро 13 октябрь кунги Уругвайга қарши ўйинда дебют қилиши кутилмоқда.

«U-23» ОСИЁ КУБОГИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

2026 йилнинг 7 — 25 январь кўнлари Саудия Арабистони мезбонлик қиладиган “U-23” Осиё кубоги финал босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.



Унга кўра, Равшан Ҳайдаров мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Корея Республикаси, Эрон ва Ливан билан “С” гуруҳидан жой олди. Бу гуруҳда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалда “D” гуруҳидаги икки жамоага қарши ўйнайди. Мазкур қаватда Ироқ, Австралия, Таиланд ва Хитой ёшлари ўзаро баҳс олиб боради.

Нуфузли мусобақа Жидда ва Ар-Риёд шаҳарларида жойлашган иккитадан стадионда ўтказилади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Бунёдкорлик

ЎЗ НОМИГА МОНАНД МАҲАЛЛА



Ғиждувон туманидаги Гулистонобод маҳалласида бутун бошли марказ барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Уч қаватли замонавий бинода “маҳалла этилиги”нинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароит яратилган.

тини мазмунли ва фойдали ўтказишга имкон беради.

— Мазкур марказ маҳаллага узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди, — дейди масканнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган маросим иштирокчиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати М. Раҳматова. — Шу каби иншоотлар юртимизда “Инсон қадри учун” тамойилининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганидан далолат беради.



Маҳалланинг кўркам маркази Ислон тараққиёт банки томонидан ажратилган 4 млрд. 500 млн. сўм миқдо-

ридаги маблағ эвазига барпо қилинди. Эътиборлиси, у туманда кейинги бир ойда фойдаланишга топширилган иккинчи шундай шинам иншоотдир. Сал аввалроқ Жов-

гари маҳалласи ҳам янги бинога эга бўлганди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

БАРЧА ҚУЛАЙЛИККА ЭГА ТУРАРЖОЙ

Термиз давлат педагогика институтида талабалар учун замонавий ва барча қулайликка эга бўлган янги тураржойнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу талабалар тураржойи давлат-хусусий шериклик асосида барпо қилинди, лойиҳанинг умумий қиймати 36 миллиард сўмни ташкил этади. Бу маблағнинг 50 фоизи тадбиркор ҳиссаси, қолган 50 фоизи эса Давлат бюджетидан ажратилди. Беш қаватли ва 400 ўринли мазкур бинода талабалар учун ҳар томонлама қулайликлар яратилди.

Унда талабалар тинч ҳамда қулай яшаш шароитига эга бўлибгина қолмай, балки ўқиш, илмий тадқиқот, ижодий ва маънавий ривожланиш учун ҳам имконият мавжуд.

— Янги тураржой талабаларнинг самарали таълим олиши ва дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради, — дейди ёшлар масалалари бўйича проректор Улугбек Тўрамурадov. — Институти-мизда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ривожланишига йўналтирилган лойиҳалар давом эттирилади. Янги маскан бундан кейинги дастурлар учун муҳим база бўлади.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов.
Мусахҳас — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.38 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

«Кексалар учун туризм ойлиги» доирасида пенсионерларга Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиши учун поезд чипталарига 20 фоиз чегирма эълон қилинди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши